

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Нурматов Акбар Норматович

ҒАРБ ЖУРНАЛИСТИКАСИ ТАРИХИ

Маъруза матни

Бакалавриятнинг 5320400

- халқаро журналистика таълим йўналиши учун

ТОШКЕНТ—2006 йил.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашининг 2005 йил 27 августдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқланган. Баённома № 1

Такризчилар:

**Ф.ф.н., доц. Р. Абдусатторов
Кат. ўқ. С. Сулаймонова**

АННОТАЦИЯ: Ғарб журналистикаси тарихи предмети журналистиканинг назарий билимлари таркибидаги мустақил фан сифатида 3 курс талабаларига ўтилиб келади. Замонавий журналистик тафаккурни шакллантириш, журналистни ОАВ тизими талаб-эҳтиёжларига мос келадиган амалий, ижодий фаолиятга тайёрлаш – бугунги куннинг энг муҳим, долзарб вазифаларидандир.

Ғарб журналистикаси тарихи фанини ўрганиш жаҳон оммавий алоқалари тарихида тўпланган тажрибаларни, янги билим ва малакаларини ўзлаштириш, назария ва амалиётни чамбарчас қўшиб олиб бориш орқали эришилади. Ушбу курс журналист учун зарур фанлар тизимининг янги босқичини бошлаб беради. Журналистика ва коммуникация ҳақида илк асосий (фундаментал) билимлар беради. Журналист модели, яъни қандай бўлиши кераклиги ҳақида тасаввур ҳосил қилади, ўқув жараёнидаги фаолликни, қобилият, иқтидорни ўстиришга, билимларни эгаллашга, мустақил тажриба ҳосил қилишга йўналтиради.

1-Мавзу: Хорижий журналистика ва публицистика тарихи тушунчаси (Ғарбий Европа ва Америка мамлакатлари мисолида)

Режа:

- а) «Публицистика» тушунчаси ва унинг изоҳи.
- б) Қадимги Юнон ривоятларида хабарчилар ҳақида ўзига хос маълумотлар.
- в) Оғзаки ва ёзма нутқ ҳақида маълумот.
- г) Кундалик матбуотнинг пайдо бўлиши.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисани ўрганишда аввалом бор унинг тарихий асосларини ҳисобга олиш ва ушбу ҳодиса қандай пайдо бўлди, қандай ривожланди, қандай асосий босқичларни босиб ўтди ва ҳозир қандай ҳолатда эканлигига эътибор бериш муҳимдир. Олимларнинг «Публицистика» сўзи ҳақидаги турли тушунча ва изоҳларини келтириш мумкин. Лекин уларнинг барчаси ушбу сўз тагида айна пайтдалик, долзарблилик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фикрга эътиборни жалб этиш кабиларни тушунишади. Ижтимоий муносабатларни ўзида акс эттирган публицистиканинг пайдо бўлишини инсониятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи билан биргаликда ўрганишни тақоза этади. Умуман замонавий типдаги биринчи газеталарнинг пайдо бўлиши бор-йўғи XVII асрга бориб тақалади. Лекин ижтимоий ахборотлар билан инсонлар бир-бирини хабардор қилиб туриш жуда узоқ тарихга эга. У инсоннинг ўзи каби қадимийдир.

Қадимги Юнон ривоятларига кўра худолар худоси Одиннинг елкасига иккита қарға ўтириб олиб, нима кўрган ва эшитган бўлса шивирлаб айтишар экан. Уларнинг бирини Хугин (ўйловчи) ва мугин (хотирловчи) деб айтишаркан. Один уларни тонг пайтида бутун дунё устидан айланиб учиб келишга юборар ва эрталабки нонуштага қайтиб келиб уни барча янгиликлардан хабардор қилар экан.

Ҳақиқий маънодаги кундалик матбуотнинг пайдо бўлиши XVII аср Реформация даврига тўғри келади. Тугаб бораётган феодализм дунёсини диний қарама-қаршилиқлар емираётган ва унинг ўрнини капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари эгаллай бошлаган эди. Энг асосийси бу даврда кенг халқ оммасининг сиёсий фаоллиги уйғотиб юборилган эди. Сиёсий ва ижтимоий кутаришлар даврида босма публицистик сўзнинг одамлар онги ва шатти-ҳаракатига, ижтимоий фаолиятининг фаоллашувига ва сиёсий ҳаракатларда қатнашувига таъсири бекиёс даражада ўсди. Бу таъсир айниқса XVII Англия буржуа революцияси ва XVIII аср буюк Француз буржуа революцияси даврида яққол сезилиб қолди.

Ўша давр воқеалари, орзу умидлари, умидсизликлари халқ қўшиқларида, ҳикояларида, воқеаларида ўз аксини топди ва улар кўплаб нусхада босиб чиқарила бошлади. «Учиб юрувчи варақалар» даврининг тезкор даракчиларига айлана бошлади ва улар Базелда, Цюрихда, Страсбургда, Майнцда, Эрфрутда, Бреслауда, Лейпцикда, Вюртенбургда, Дрезденда, Аугсбергда, Нюрнбургда нашр этила бошлади. Публицистиканинг ёрқин кўринишлари айниқса Англияда 1644 йилги инқилоб ва узоқ муддатли парламент даврида пайдо бўлди. Буюк Француз буржуа революцияси даврида газеталар оддий идоралардан жамоатчилик фикрини ташувчи ва бошловчисига айланди. Айнан инглиз ва француз буржуа революциялари даврида ижтимоий зарурат бўлган публицист касби дунёга келди, у энди нафақат янгиликни, ишбилармонликни, ношир, муҳаррир, саҳифаларни йиғувчи ва тарқатувчи бўлиб қолмасдан, балки ҳақиқий маънодаги янги ғояларни, фикрларни илгари сурувчи публицистикага айланди. Ўша давр публицистикаси сиёсий ҳаракатлар учун турли партия дастурлари ва жамоатчилик фикрининг ифодачиси сифатида майдонга чиқди.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида. Тошкент, Ўзбекистон, 1999 й.
2. Лихачев Д.С. Развитие русское литературы X –X VII веков. Эпохи и стили. Л., 1973.
3. Ученова В.В. - Исторический истоки современной публицистики. М., 1972.
4. Ученова В.В. – У истоков публицистики. М., 1989.

5. Тоғаев О. – Ўзбек бадиий публицистикаси. Т., Фан. 1973.
6. Ворошилов В.В. – Журналистика. Учебник. С. Петербург. 1999.
7. Материали к курсу «История мировой журналистики». Сост. Муминова Ф.Т., 1994.

2- мавзу: Журналистика пайдо бўлишининг асослари.

Режа:

- а) Журналистиканинг илк кўринишлари
- б) «Журналистика» ва «Публицистика» ўртасидаги илк фарқлар.
- в) Биринчи «Энциклопедия»да журналистика ҳақида билдирилган фикр.

Юқорида таъкидлаганимиздек, публицистиканинг ижтимоий муносабат сифатида пайдо бўлиши инсон жамияти, шаҳар давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Оммани ишонтиришга интилиш, ҳамкорликдаги (меҳнат, ҳарбий, савдо, хўжалик-иқтисодий ва ҳ.к) ҳаракатни ташкиллаштириш кабилар оғзаки чиқиш, нутқ сатъатини ривожлантиришга туртки бўлиб хизмат қилган. Журналистика ўзининг илк босқичида бир мунча бошқа мақсадларни назарда тутган. Бу ерда энг асосийси жамиятда, давлатларда инсон фаолиятининг турли соҳаларидаги иқтисодда, маданият да, сиёсатда, санъатда, илм-фандаги ишларнинг аҳволи ҳақидаги ахборотларга бўлган эҳтиёж ўса бошлади. XVIII асрда яшаган файласуф Ш.Монтескье журналистика билан биринчи шуғулланганлар ҳақида баъзи истехзо билан шундай ёзади. «Ушбу хатда мен сен билан хабарчилар деб аталмиш бир қавм ҳақида гаплашмоқчиман: улар ўзларининг байрамона кайфиятини нишонлаш учун ажойиб бир боғда тўпланадилар. Улар эллик йил давомида гапирганларида ҳам бундан мамлакатга ҳеч қандай фойдаси тегмайди, аксинча улар шунча вақт жим турганларида фойдаси кўпроқ бўларди. Лекин улар ўзларига юксак баҳо берадилар, чунки улар улкан лойиҳалар ҳақида суҳбатлашадилар ва муҳим нарсалар ҳақида фикр алмашадилар.»

Хабарларни тарқатиш бўйича пайдо бўлган фаолиятнинг ушбу янги тури 15-16 асрда журналистика сифатида шакллана бошлади. Ушбу илк босқичларда «Журналистика» ва «Публицистика» тушунчаларининг фарқи аниқ сезилиб туради. Ҳозирги пайтда уларнинг тўлиқ кўшилиб кетганлиги мазкур ходисаларнинг келиб чиқишини аралаштириб юбормаслиги керак. Публицистик фаолият оғзаки сўз санъатининг ривожланиши орқасидан ва унинг омма ҳаракатини ижтимоий-сиёсий бошқариш мақсадида фойдаланиши туфайли шаклланди. Журналист касби эса илк даврда техник воситачи, хабар етказувчи, «алоқа канали ходими» сифатида хабарларни тарқатувчи вазифа шаклида пайдо бўлган. Замонавий журналистларнинг авлодлари чопарлар ва почта хизматларидир. Улар худди биринчи хабар сотиш марказлари каби кўлларида бўлган янгиликлар ёрдамида аудиторияни бошқариш вазифасини кўймаган эдилар. Илк босқичларда журналистик фаолият савдо маҳсулоти сифатида ривожланади. Янгиликлар, хабарлар, бу ўзига хос маҳсулотлар ҳисобланган. Тўғри,. Мазкур иш билан тарқатувчиларнинг ўзлари ҳам унинг ўзига хос хусусиятини англаб улгурмаган эдилар. Ушбу «маҳсулот»харидорларни бошида асосан хўжалик, савдо, маданий оқартув мақсадидаги эҳтиёжларига хизмат қилиб келди, кейинчалик эса у сиёсий мақсадларда фаол фойдаланила бошлади. «Публицистиканинг гнесеологик муаммалари» китоби муаллифи В.В. Ученованинг таъкидлашича янгиликларни «тарқатувчи»ларнинг фаоллашуви жамоатчилик тартибини сақловчилар учун катта ҳавфга айлана бошлаган. Мисол учун 1572 йилда уларга қарши поплар томонидан ишлаб чиқарилган низомлар нашр этирилади, унда узатиш учун бериладиган хатлар ёзиш таъқиқ этилган, уни бузувчилар эса тош кўтаришга сургун қилинган. Ёки 1521 йилда католик черковининг машҳур арбоби Кохмус Франкфуртдан Римга папа Александрга жўнатган хатида кузги кўргазмадаги китоб бозори поппа қарши варақалар билан тўлиб кетганлигини ёзади.

Публицист - нотик (антик ва ўрта асрлардаги)ни иқтисоднинг капиталистик ривожланиш давридаги журналист – ишбилармон фаолиятидан фарқлаш зарур. Масалан Дидро ва Д. Аламбер «Энциклопедиясида» журналистикага қўйидагича таъриф берилади: журналист бу адабий фанлар ва санъат асарлари ҳақида парча ва фикрлар нашр эттирувчи муаллиф. Шундан кўриниб турибдики XVIII асрда журналист функцияси ва унинг фаолият майдони анча кенгайган. Журналистика аста-секинлик билан профессионал таълим, ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг ўзига хос соҳаси сифатида мустақил шакллана бошлади. Бошида воситачи, ходим сифатида пайдо бўлган журналистика кейинчалик ўзига ижтимоий таъсирнинг бошқа кўринишларини ҳам қўшиб ола бошлади. Масалан савдо рекламасини олиб боради, янги адабиётларни тарғибот қилади, ҳукумат ҳужжатларини кўпайтиради. Жамиятдаги ижтимоий – иқтисодий тузилмаларининг мураккаблашуви, ишлаб чиқариш соҳаларининг ва уларнинг ўзаро алоқасининг чуқурлашуви, аҳолининг таълимий ва маданий онги ўсиши билан журналистика ҳам жамиятнинг улкан ижтимоий – сиёсий кучига айланиб боради. Аввалги кундалик матбуот асосида, кейинчалик радио ва телевидение ёрдамида нафақат оммани тезкор янгиликлар билан таъминлаш учун, балки жамоатчилик фикрини шакллантириш учун ҳам хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда унга мўътадил жамият қуриш, илғор давлат ва миллий ривожланиш, дунёдаги миллион одамларнинг тинч ҳаёт фаолиятини таъминлаш каби вазифалар қўйилмоқда. Журналистиканинг пайдо бўлишига техник, иқтисодий ва ижтимоий – сиёсий сабаблар асос бўлган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида. Тошкент, Ўзбекистон, 1999 й.
2. Лихачев Д.С. Развитие русской литературы X –X VII веков. Эпохи и стили. Л., 1973.
3. Ученое В.В. - Исторический истоки современной публицистики. М., 1972.
4. Ученое В.В. – У истоков публицистики. М., 1989.
5. Тоғаев О. – Ўзбек бадиий публицистикаси. Т., Фан. 1973.
6. Ворошилов В.В. –Журналистика. Учебник. С. Петербург. 1999.
7. Материали к курсу «История мировой журналистики». Сост. Муминова Ф.Т., 1994.

Мавзу бўйича саволлар:

- а) Журналистика қандай эҳтиёжлар туфайли пайдо бўлган?
- б) Ш.Монтескье журналистика билан шуғулланганлар ҳақида има деган ?
- в) Янгиликларни тарқатиш бўйича марказлар қаерларда ва қачон пайдо бўлган?
- г) «Журналистика» ва «Публицистика»тушунчалари ўртасидаги фарқ нималардан иборат?
- д) Дидро ва Д. Аламбер «Энциклопедиясида» журналистикага қандай таъриф берилган?

3 – мавзу: Антик даврда публицистиканинг пайдо бўлиши.

Режа:

- а) Нотиклик санъати оғзаки нутқ чўққиси.
- б) Ёзма нутқнинг публицистика равнақидаги ўрни.
- в) Ю. Цезар – илк матбуот асосчиси.

Инсоният муомила аҳамиятини англаши ва уни тил белгилари билан белгилаши учун узоқ тараққиёт босқичларини босиб ўтди. Одам яшашини таъминлаши учун авваламбор хатти-

Ҳаракатларини шуурий тарзда амалга оширдилар. Бу эса ўз навбатида одамларда оиласи, ўзини боқиши учун (овда, ташқи курашишда) маълум бир ташқи объектга йўналтирган кучларни бирлаштириш мақсадида ибтидоий тарзда муносабатда бўла бошлаганлар.

Ҳатто одам ўзининг бирон-бир ҳўжалик ишини «яхши» амалга ошириш учун ҳам тажриба ва маҳоратини муомила орқали бир-бирига узатиши керак эди. Ўзаро меҳнат алоқалари

ва тил ҳаракат функциялари таъсири остида одамнинг индивидуал шаклланиши рўй бера бошлади, унинг мия ва туйғулари такомиллаша бошлайди. Одам маънавиятининг ўсишида сўзнинг таъсири бекиёс даражада катта бўлган. Одам нутқни эгаллай борган сари унинг ташқи олам билан алоқалари мисли кўринмаган даражада кенгайди, табиат ходисаларини англашда катта ёрдам берди. Одамлар ўртасидаги ички алоқаларнинг мустаҳкамланиши алоҳида шахсларнинг сифат томон ўзгаришига ҳамда барча инсониятни олға ҳаракатга, Жамиятни эса янги тараққиёт босқичига олиб чиқди. Бир инсоннинг меҳнат фаолиятидаги (маҳорат усуллари, тажриба донолик кабилар) такрорий ҳолатлар сўзларда ўз аксини топа бошлади ва бу нарса турли одамларнинг ўзаро алоқалари ҳам янги ривожланиш босқичига олиб чиқди. Ушбу мустаҳкамлашлар авлоднинг, одамнинг яшашига ёрдам бериш, унинг умрини узайтириш мақсадида амалга оширилар эди. Теварак атрофнинг, табиатнинг тез-тез ўзгариб туриши одамлар ва алоҳида шахслар хотирасида муҳрланиб қола бошлади. Кейинчалик бу нарса янги ташкил этилиб бораётган инсон маданиятининг бир қисмига айлана бошлади. Моддий ривожланишнинг маълум бир даврларида алоҳида маънавий тажрибанинг ўсиши ва унинг сақланиши аста секинлик билан инстинктив ёки тасодифий ҳолда эмас, балки англаган ва бир мақсадли ҳолда амалга оширила бошланди. Агар бу нарса илк босқичда сақланишу- билимни, тажрибани қайта ишлаш ва узатишни ўзида мужассам этган бўлса, кейинчалик маънавий фаолият соҳасини одоб-ахлоқ нормалари ҳуқуқий ҳаракатлар кабиларни ҳам қамраб ола бошлади.

Инсон фаолиятини ҳуқуқий ваколатлар асосида бошқарилиши йирик қабила жамиятлари, Шаҳарларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Уларнинг тепасида оқсоқоллар жамияти турар ва улар ижтимоий организмни бошқариш сифатидаги фаолиятнинг алоҳида бир турини пайдо қилди.

Маданий шаклланишнинг илк босқичларидаёқ нотиқлик санъатини эгаллаш муҳим ижтимоий қадриятга эга эди. қадимда одамлар олий фазилатлари, яъни шахсий ғурур, воизлик, диний туйғу, тўғрилиқ, мардлик ва жасурлик кабилар билан ажралиб туришган. Лекин ҳамма эгаллаши мумкин бўлган ушбу фазилатларга ҳамма ҳам эга бўлавермаган. Тацит (58-117 й) герман қабиалари ҳаётини баҳолаб шундай ёзади: унчалик аҳамиятга эга бўлмаган нарсалар ҳақида оқсоқоллар, муҳимроқлари ҳақида ҳамма билан маслаҳатлашилади. Кейин ёшига, машҳурлигига, жанговор шухрати ва нотиқлигига қараб шоҳ ва оқсоқоллар эшитилади.. Бу ерда ҳокимлик ваколатидан фойдаланиб буюрилмасдан, ишонтириш орқали ҳаракат қилинади.

Милодгача VII асрда Грецияда шаҳар-давлатлар қурилиши даври жамоат - авлод муносабатларини ўзида акс эттирган эди. қабила жамиятида муҳим давлат ишларини ҳал этишда халқ йиғинлари катта роль ўйнаган. Ўта муҳим масалаларнинг эркин халқ муҳокамасига (йиғинлар 6 минг фуқародан ортиқ киши қатнашганда ҳақиқий ҳисобланган) антик нотиқлик санъатининг асослари ҳисобланган.

Аристотельнинг рақиби ва Афина нотиқлик санъатининг бошлиғи Исократ (эрамизгача 436-338 й) шундай ёзган эди: “ бир-биримизни ишонтириш ва нимани хоҳласак ўшани тушунтира олиш каби туғма қобилиятга эга бўлишимиз нафақат ҳайвоний ҳаёт тарзини итқитиб ташлаш имконини , балки ҳамкорликда шаҳарлар барпо этиш, қонунлар чиқариш, ҳунармандчилик ва санъатни кашф этиш ва умуман биз томондан нимаики ўйлаб чиқилган ва ихтиро этилган бўлса, бу инсон нутқининг биринчи яратиш хусусиятидир”. Бу ерда Исократ нутқ қудратини улуғлайди, лекин у шу билан бирга қуруқ сўз билан машҳур бўлган софистларга қарши курашди. Ушбу бахслардан кейин Римда нотиқларни қарама-қарши қўйиш анъанаси ривожланди. Нотиқ - бу жамоат арбоби, давлат вакили, нотиқ воизлик назарияси билимдони. Лекин Цицерон (эрамизгача 106-43 йил.)ўзининг ижодида ҳам нотиқлик, ҳам воизлик санъатини бирлаштирган кишилардан бўлган. У сиёсатчи давлат арбоби сифатида ҳаф сала билан сўзомоллик сирларини ҳам ўрганган. Антик даврда сўзомолликнинг асосан учта турип кўрсатилади:

- эпидектик (яъни тантанали);
- суддаги нутқ;
- маслаҳат (сиёсий)нутқи.

Сўзомолликнинг энг олий ва мураккаб тури маслаҳатда, мажлисда сўзланадиган, яъни сиёсий нутқ ҳисобланган. Аристотель (эрамизгача 384- 322 й.) мана шундай ҳолатларда нотик бешта асосий масала бўйича ўз фикрини билдириши керак дейди:

- молиявий аҳвол;
- уруш ва тинчлик;
- ватан ҳимояси;
- маҳсулотларни олиб келиш ва чиқариш;
- қонунчилик.

Сўзомоллик маҳоратини пули, вақти, хоҳоши ва қобилияти бўлган ҳар қандай одам эгаллаши мумкин эди. Кўпчилликка тегишли бўлган сўзамоллик хусусияти аста секинлик билан алоҳида шахсларнинг кабига айлана бошлади. «Инсонни икки соҳадаги хизмати уни юқори лавозимига – буюк императорлиги ва буюк нотиклиги олиб чиқиши мумкин», -деган эди Цицерон. Афинада долзарб ижтимоий-муҳим ғоялар оммавий театр намойишлари, диний чиқишлар кўп сонли девор ёзувлари ва тарихчилар ишлари орқали ифода этилган. Буюк нотикларнинг сиёсий нутқлари, уларнинг асослари ва айтиш шартлари публицистик фаолиятга ўхшашдир. Уларнинг предмети – бу алоҳида муҳим воқеа эканлиги ҳам ўхшаш, уларнинг функцияси- омма онгига тезкорликда таъсир этиши ҳам ўхшаш.

Публицистиканинг шаклланишида сўзомоллик билан биргаликда ёзувнинг ривожланиши ҳам муҳим таъсир этди. Ёзувнинг келиб чиқиши қабила-авлод жамиятларида иқтисодий-сиёсий муносабатларнинг янги бир тури, ёзма ҳарфларга мурожаат давлатнинг ташкил топиши, солиқ ва маҳсулотларни белгилаш учун, ҳисобга олиш ва алмаштириш операцияларини амалга ошириш пайтида пайдо бўла бошлади. Энг қадимги ёзма ёдгорликлар, хусусан Месопотамияда топилган Шумер ёзувлари эрамизгача бўлган IV минг йилликнинг ўрталарига бориб тақалади. Ушбу дажла ва Фрот дарёлари оралиғида археологик текширишлар олиб бораётган олимлар Оссурия подшолигининг пойтахти Ниневия шахрининг вайронасинин (эрамиздан олдинги 612 йилда вайрон этилган)топди ва у ерда Оссурия ҳукмдори Анниурбанипалнинг кутубхонасига дуч келдилар: кутубхонада паҳлавон Гилгмиш ҳақидаги дoston топилган, дostonни таржима қилган олимлар ҳайратланиб қолганлар, ундаги воқеа Инжилнинг «Борлиқ китоби»даги XI,XII бобларида беoилган пайғамбар Нух ва Туфон ривоятининг айнан ўзи (қисман эмас)экан, кейин эса бу воқеа қуръони каримнинг Нух пайғамбари ривоятида такрорланади. Ушбу топилдиқлар шуни исботламоқдаки, инсониятнинг энг қадимий ёзма ёдгорликлари узоқ тарихий шаклланишига эга.

Ҳар қандай халқнинг ёзма ёдгорликлари ўзининг шаклланиши даврида фақат аниқ бўлган фактик маълумотларни, меҳнатга оид хабарларни ёки диний рамзлар ёки расм-русмларни акс эттирган. Ёзув ёзма нутқнинг бой ифодавий имкониятларини акс эттириши учун узоқ тараққиёт босқичини босиб ўтди, хатто баъзи бир вақтларда у билан мусобақаланиш даражасига ҳам етди.

Эрамизгача бўлган VIII асрдаги Эллин ёзуви анча шаклланиб улгурган, одамлар янги онгини, унинг фаолиятинини акс эттиришда муҳим восита бўлиб хизмат қила бохлади. Ёзувнинг ривожланиши ёзма қоғозларни кашф этишга олиб келди. Чунки олдин ишлати б келинган лой, тош, дарахт ва металлқрдан кўра қоғозлар (папируслар) анча қулай эди.Биз антик даврда публицистика мақсадларда ёзма матнлардан кенг фойдаланганлиги ҳақида кўпгина манбаларни учратишимиз мумкин. Масалан, эрамизгача бўлган VI- VII асрларда одамлар гавжум бўладиган жойларда: майдонларда, бозорларда тошларга ёки металл парчасига ўйиб ёзилган қарорлар, буйруқлар, қарорлар, буйруқлар, хабарлар, ҳукуматнинг халққа қаратилган мурожаатлари илиб қуйилган. Масалан, эрамизгача V асрга тааллуқли бўлган юнон қишлоқларидан бирида топилган мрамор тошдаги Юнон- форс урушига бағишланган ёзув ўзининг таъсирчанлиги ва долзарблилиги билан ажралиб туради. Унда шахарнинг урушга тайёргарлик ва ташкил этишга чакирув ўз аксини топган: «Худолар ! Кенгаш ва халқ қарор қилди! Ферарлар авлодидан Неоклнинг ўғли Фемистокл (шахснинг, унинг авлодининг аҳамияти таъкидланяпти)таклиф киритади.Шаҳар Афинага ва бошқа худоларга ишонади. Афиналиклар ва ксенликлар болалар ва

аёлларни Трезунга олиб бориб қўйсинлар. қариялар ва аёлларни эса Саламинга олиб борсинлар Хазиначилар ва уроқчилар худолар мулкани куриклаш учун Акрополда қолишсин.»

Балоғат ёшига етмаган барча қолган кишилар икки юзта кораблни тайёрлаш учун борсинлар ва умумхавфни бартараф этишда баҳам жихат бўлишни хоҳлаган македонияликлар, коринфиянлар, эгинетлар ва бошқалар билан биргаликда ўзининг ва бошқа эллинларнинг озодлиги учун варварларга қарши курашсинлар.

Ушбу ёзма матндан ҳам маълум бўлаяпдики, унда ёзма сўз оммада ватанпарварлик туйғуларини уйғотишга йўналтирилган сиёсий мақсадларни ифодалашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга оммага таъсир этиш мақсадида ўрнатилган ёки тарқатилган монумент ёзувлар ҳақидаги гувоҳлар ҳам жуда қизиқ. Плутарх юнон-форс урушининг машҳур лашкарбошчиси Фемистокл ҳаётини тасвирлаб, шундай дейди: Фемистокл соҳилдан узоқ бўлган, душманлардан, бўрондан қочиб борадиган барча жойларга, кўринадиган тошларга ёки улар таниб оладиган қилиб, тошларга ўйиб ёзилган ёзувлар қолдириб кетар эди. Ушбу ёзувларда у юнонликларга мурожаат қилиб, агар иложи бўлса ўзларининг ота-боболарига, уларнинг озодлиги учун курашаётганлар сафига келиб қўшилишига чорлаган: агар мумкин бўлса, унда ҳеч бўлмаганда уруш пайтида варварлар армиясига зарар етказиш ва уни бош-бошдоқликка олиб келиш айtilган. У ушбу ёзувлар билан юнонликларни ўз томонига ўтказиш ва уларни юнонликларга нисбатан шубҳа билан қарашга мажбур қилиб варварларни саросимага солишга умид қилган эди.

В.В. Ученованинг ёзишича, бу ерда ёзма матн тезкор сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун хизмат қилган. У очикдан-очик ташвиқот характериға эгадир, бу душман қўшини ичида саросима уйғотиш ва нотўғри информация тарқатиш мақсадида ишлатилган. Мазкур "тош варақалар тирижи" ва кодексларининг кейинчалик «нашр» кам бўлган бўлсада, лекин улар оз эмас эди. Эҳтимол омма ҳайъатининг ҳаракатини бошқаришда монумент ёзувлар эхтиросли оғзаки нотиклардан кўра кам таъсир этган бўлиши мумкин, лекин унинг бошқа бир устунлиги, яъни чақирув ва декларациянинг қатъий бузилмаслиги билан устун эди. Ушбу монумент ёзувларга қараб, омманинг ошкораликка бўлган эҳтиёжи қандай қилиб ёзув матнларида ифода этилгани ва мустаҳкамланиб борганини кузатишимиз мумкин. Оғзаки сўз ихчам, эхтиросли бўлиши мумкин, лекин у абадий эмас. Албатта элчи, чопар хабарлари бир неча марта такрорлаши, образли ва рамзий тарзда ифодалаш мумкин, лекин у нималарнидир унутиши ёки алмаштириб юбориши ҳам мумкин.

Бутун бир антик давр нафақат худоларга ҳайкал қуруш анъаналари билан, балки ўз заминида қаҳрамонлик кўрсатган ва буюк аждодларига ҳайкаллар қуруш билан ўтказишган. Диоген Лаэртский Афина бошқарувчиси Димитрий Филерский ҳақида шундай хабар беради. (милодгача 317-300 й). Унинг шарафига 360 дан ортиқ мис ҳайкалчалар ўрнатилган эди ва уларнинг кўпчилигида у отда ёки тўрт оёкли аравада ёки куш от устида тасвирланган бўлиб, улар 300 кун давомида қўйилган. Унга бўлган интилиши шу даражада эди. Аммо Филерский ўрнига бошқаси келганида ушбу ҳайкалларнинг кўпчилиги ер билан яксон қилинди, бошқалари эса сотиб юборилди, яна бири чўктириб юборилди, яна бирлари кечки хожатлар (шунақа хикоялар ҳам бор)учун қайта ишланган биттаси Акрополда сақланиб қолган.

Ёзма сўз, ёзма матнлар барибир ўзининг публицистлиги, таъсир этиш даражаси бўйича оғзаки нутққа нисбатан паст эди. Ёзма сўз тезкор таъсир этиш ва кенг аудиторияни қамраб олиш бўйича оғзаки сўз билан мусобақалаша олмас эди. Фақат оғзаки сўзгина у ёки бу долзарб масалага, бир вақтнинг ўзида ҳаммасига самарали таъсир этишини таъминлай олган. Шунинг учун ҳам қабилаларнинг оқсоқоллар томонидан бошқарилиш пайтида оғзаки нутқ имкониятларидан кенг фойдаланилган эди.

қадимги Рим тарихчилари ишларида Римда «аста» сарлавҳаси остида тарқатилган кўпгина ўзига хос бютенлар ҳақида эслатмалар мавжуд. Антик даврда, қадимги шаҳарликлар газеталарга эҳтиёж сезмас эдилар, чунки уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини чопарлар, гоҳида эса ёзма эълонлар қондириб турган. Фақат Рим ҳукмдорлиги бутун Ўрта ер соҳилларига ёйила бошлагандан сўнг жойларда бошқаришни осонлаштириш ва марказда нима ишлар содир бўлаётганидан хабардор бўлиш эҳтиёжи бўлиши туфайли восита лозим эди. Рим ҳарбий монархияси ва марказлашган бошқарув асосчиси Ю.Цезарь ўз навбатида газетани эслатувчи

биринчи идоранинг ҳам асосчисидир. Ю.Цезарнинг автографи Светоний шундай гувоҳлик беради: Цезар консулликни олгандан сўнг биринчилардан бўлиб ҳам сенат, ҳам халқ кундалик ведомости «*asta*» нинг ташкил этилиши ва нашр этилишига қарор қилади. Тарихчи Тацит ўз ишларида тез-тез ушбу ведомостдан олинган хабарларга мурожат қилади. Шундай эслатмалар яна бир бошқа қадим тарихчи Плиний асарларида ҳам келтирилган.

Ушбу манбалар асосида нашр этилган хабарларнинг икки турини тиклаш мумкин. Биринчидан, мазкур «*asta senatus*»да Рим Республикасининг олий ҳукумат органи бўлган сенатнинг қисқартма мажлис баённомаларидан иборат бўлган «*asta senatus*»

билан биргаликда “*Asta diurna populi romani*”, яъни “рим фуқаролари учун кундалик хабарлари”нинг ҳам бўлганлигига гувоҳлик беришади. “*Asta*”нинг кундаликлиги доимий бўлмаган. Масалан Цицерон эрамизгача 50 йилда Атикага ёзган хатида

“*Asta senatus*” нинг март ойи нашрини олганини ёзади. Ахборот алмашишга бўлган биринчи эҳтиёжлар кенгайган Рим империясининг юқори табақаларини бошқаришни мувофиқлаштириши туфайли пайдо бўлган эди. Кенг сиёсий ахборотлар алмашишлар сиёсий мақсадлардан кўра асосан ҳўжалик- иқтисодий, шахсий маиший,. Бирор нарсани англаш мақсадини эътиборда тутган. Гипс тахтачаларга ҳукумат қарорлари ҳақида хабарлар ҳам жуда қисқа қилиб ёзиб қўйилган. Лекин бу ерда ҳамма нарса ҳақида батафсил ёзилмаган. Бунда ёзма публицистиканинг анъаналари кўзга ташланади, яъни “ҳукуматга номаъқул бўлган фактлар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган”. XV асрдан кейин гипс тахтакачлар ўрнини енгил, қулай, тезликда қўпайтириладиган қоғоз варақалардан нотиклар сиёсий минбар сифатида фойдалана бошлашди. Хабарларнинг масофани тезликда босиб ўтиш қобилияти ва ижтимоий аҳамиятини сақлаш эпистоляр (номалар) амалиётини ривожлантирди.

Демак кундалик матбуотнинг биринчи авлодлари антик даврда пайдо бўлган эди, лекин булар ҳали даврий газетанинг ўзи бўлмаган. Матбуот у вақтда бир оз шаклланиши жараёнини бошдан ўтказган бўлиб, ҳали антик даврдан узилиб чиқиб кетолмаган эди. Бунга уни қўпайтириш ва тарқатишнинг иложи йўқлиги ҳалақит берган эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Кузнецова Т.И, Стрелкова И. П. Ороторское искусство в Древним Риме. М., 1976.
2. Плутарх. Жизнеописание. Собр. Соч. в 2х т. М., “Мысль” 1978.
3. Блаватская Т.В. Греческое общество второго тысячелетие до н.э.и его культуры. М., 1976.
4. В.Ученова. Беседы о журналистике. М., 1978.
5. Прохоров Е.П. Введение в журналистику. М., 1998.

Мавзу бўйича саволлар:

- а) Инсон орттирган тажриба ва кузатишларини қай тарзда бошқаларга узатишган?
- б) Нотиклик санъатининг қандай эҳтиёжлар туфайли ривожланди?
- в) Сўз ҳақида Исократ билдирган фикрга муносабатингиз?
- г) Цицерон нотиклик санъатининг нечта турини кўрсатади?
- д) Аристотель нотик нечта масала бўйича ўз фикрини билдириши керак?
- е) Ёзма нутқ оғзаки нутқдан қандай хусусиятлари билан ажралиб туради?
- и) Ю.Цезарь ташкил этган газетанинг номи?

4- Мавзу: Ўрта асрларда публицистик фикрнинг таракқиёти

Режа:

- А) Христианликнинг публицистика шаклланишидаги ўрни.
- Б) Икки маданий қатлам (руҳоний ва халқ маданияти)нинг шаклланиши.
- В) Воизлик – нотиклик санъатининг вориси.

Антик даврнинг охири асрларида давлат динига айланган христианлик 2-3 юз йилликда катта ҳудудда кучли черков ташкилотларини ташкил этди. У ғарбий Европада, кичик Осиёда ва Шимолий Африкада қарор топди. Унинг ғоявий қудрати асосан иқтисодий бойликка, фаол маданий ва сиёсий- ташкилотчилик фаолиятига суянган эди. ғарбий Европа мамлакатларида асосий ҳукмронликни роҳиблар эгаллаб, улар черков ерларини худога хизмат қилиш расм-русмлари, диний маърифат ва қудрат қуролли кучларни ўз қўлларига киритган эдилар. Ўрта асрларда энг олий қудрат христиан ғояси ашаддий хизмат қилиш деб эълон қилинади. Агар антик даврда тафаккур фаолияти чуқурлашган бўлса, ўрта асрларга келиб илоҳиётнинг, муқаддас ёзувлар матни ва уни талқин этиш, шарҳлаш, панд-насихатлар ҳукмронлик қила бошлайди. «Илоҳиётга хизмат қилиш» ўрта асрда инсоннинг юксак ижтимоий фаолиятининг мажмуидан иборат эди. Бу даврда инсон фаолиятининг турли соҳалари аниқ бир профессионал тилга эга эмас эди, ҳўжалик ҳаёти, сиёсат, санъат, дин, фалсафа, ҳуқуқ соҳаларида бўлимлар ёки ажратилишлар йўқ эди. Буларнинг барчаси у ёки бу даражада публицистиканинг шаклланишига ўз таъсирини ўтказган эди.

Антик даврнинг инқирозга учраши қадимги худоларга ишончли юқолиши, маънавий қадриятларни қайта таҳлил этиши билан боғлиқ ҳолда юз берди. Шу вақтгача бўлган тафаккур тарзи, эстетик қадриятлар, табиат ва борлиққа бўлган муносабат каби масалалар мақсадга мувофиқ эканлиги ёки эмаслиги кўриб чиқила бошланди. Борлиқни онгли равишда кўришнинг иложини топа олмаган одамлар дунёни сирли, мавҳум тарзда тасаввур этишга мажбур бўлганлар. Ўрта асрларда аҳолининг умумий билим даражаси пасайганлигини кузатишимиз мумкин. Лекин ижтимоий ҳаёт ва унинг ўзгариши туфайли долзарб ижтимоий ахборотга бўлган эҳтиёжни, бўлаётган воқеа ҳодисаларни англаш ва мулоҳаза қилишга бўлган эҳтиёжни илдизи билан йўқ қилиб ташлаш мумкин эмас эди. Долзарб ижтимоий фикрларни тарқатиш – бу публицистиканинг нерв тизими ҳисобланади. Булар турли адабий жанрлар орқали амалга ошириб келинган. Публицистиканинг илк унсурлари историографияда, эпистолографияда, нотик санъатида, памфлетларда ўз аксини топган дейиш мумкин. Адабиётнинг памфлет тури бу публицистиканинг илк куртаги ҳисобланади. Сиёсий ғояларни оммавий равишда ташвиқот қилиш турли сўз мурожаатларида ўз аксини топган, оғзаки нутқни қабул қилишга мўлжалланган нотиклик санъати муҳим бўлиб қолаверган.

Ўрта асрларда икки маданий қатлам шакллана бошлаган: зиёли, руҳонийлар маданияти ва халқ маданияти, яъни фольклор. Биринчисига лотин ёзувларини билиш, ўша даврнинг универсал тилини ўрганиш муҳим бўлган бўлса, иккинчиси учун эса шевалардаги оғзаки нутқда гапириш характерли хусусият бўлиб, у кейинчалик халқ маданиятига эга бўлди. Ҳар бир маданий қатлам ўзининг ўзига хос жанрларига эга бўлган. Масалан, «зиёли»лар адабиётида эпистолография диний-ахлоқий ақидалар муваффақият билан ривожлана бошлаган бўлса, фольклорда эстетик анъаналар, оғзаки ижодлар, ривоятлар, мўъжизалар ҳақидаги ҳикоялар кенг тарқала бошлади.

Ушбу маданий қатламларни боғлаб турувчи. Оралиқ жанрларга воизлик, авлиёларнинг яшаш тарзи, мўъжизавий башоратларни келтириш мумкин. Омманинг ақли ва қалбини эгаллаш учун бўлган курашлар черков томонидан олиб борилиб, бунда ушбу ижод турлари фаол қатнашган ҳамда улар ёрдамида черков омманинг маънавий ҳаёти устидан назорат ўрнатишган. Санаб ўтилган мазкур жанрларда публицистик анъаналарни ҳам учратиш мумкин. Улар ижтимоий ҳаётни фош этиш, умум жамиятни қаттиқ танқид қилиш ва ўша давр замонавий ҳаётининг иллатлари устидан қаттиқ назорат ўрнатиш кабиларда кузатиш мумкин. Лекин 5-10 асрларда мавжуд бўлган ушбу фош этувчи, реалистик танқидлар фақат диний адабиётлардан ёки фольклор ижод рамкасида чиқмаган.

Бошида диний арбоблар рим цивилизациясининг қолдиқлари (кошона ва зеб-зийнатга, дунёвий фаровонликка, тинчлик давридаги майда-чуда ташвишларга берилишлар кабилар) бўлган мажусий (бутпарастлик) маданиятининг танқид қилишган ёки умуман инкор этишган. Ундан сўнг христианлик таълимотидан, муқаддас ёзувдан, инжилдан (инсонни севиш, сабр-бардошликка, руҳни кўтариш, инсонлар ўртасидаги биродарлик кабилар) келиб чиқадиган ҳаёт тарзи ва нормаларни воизлик билан кенг тарғиб қила бошлаганлар. Янги христианлик ғояси кенг

халқ оммаси ичида тарқала бошлагандан сўнг черковнинг ўзи ичида ажралишлар юз бера бошлаганини кузатиш мумкин. Унда хизмат қилувчилар хашаматлилиқка, бойлиқка руъжу қўя бошладилар. Черков лавозимларини пора бериб сотиб олишлар авжига чиқа бошлайди. Натижада 6-7 асрларда черковни қайта куриш, «соф этикод»га, муқаддас ёзувни нг биринчи асосларига қайтиш учун курашаётган арбоблар сони ўса бошлайди, улар роҳиблар, руҳоний хизматчилари томонидан илгари сурилаётган қўшимчалар ва талқинларни қайта ишлаш каби ғояларни инкор эта бошладилар. 6-7 асрларда айнан воизликда куннинг долзарб масалалари билан боғлиқ бўлган публицистик мурожаатлар амалга оширила бошланди.

Ўрта асрларга келиб воизлик ҳақиқий маънода антик нотиклик санъатининг вориси сифатида қарор топа бошлади. Бу ерда воизликнинг икки турини ажратиш мумкин: янги қабила ва халқлар ўртасида христианликни ёйиш учун келган доимий миссионерларни айтиш мумкин. Бизгача масалан роҳиб Арльский Цезарияларнинг (5-6 асрлар) 130 дан ортиқ ваъзалари етиб келган. Унинг кўп ваъзалари руҳни кўтаришга йўналтирилган эди. Мана масалан «экин майдонингни яхши ҳолатда кўрсанг хурсанд бўласан, нима учун сенинг руҳинг ўз холига ташлаб қўйилган бўлса, йиғламайсан ?»-деб саволлар билан оммага мурожаатлар қилган.

Воизнинг муваффақияти нафақат унинг риторик нутқига боғлиқ бўлмасдан, балки унинг аудиторияга психологик жиҳатдан ва эҳтирос билан тушунтириш қобилиятига ҳам боғлиқ бўлган. Диний ҳаяжон, роҳиблар ўзига хос нерв тузилишига эга бўлган шахсларни шакллантирди. Уларда башорат қилишга, пайғамбарлиқка ўзини қурбон қилишга мойиллик кучли эди. Айнан ана шундай шахслар миссионерлик вазифасини яхши олиб борар эдилар. Бундай фаолиятнинг бошида антик даврдаги мантиқ ва нотиклик яъни рационализм турмасдан, эҳтирос, христианлик ғояларига шахсий фидоийлик биринчи ўринга чиқа бошлади. Воизлик айниқса офатлар пайтида, душманлар бостириб келганда, даҳшатли улатлар даврида катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлиб кетар эди. Кескин ва шиддадли мурожаатлар бош-бошдоқлик бошланиб кетиш олдини олган, қаршилиқ кўрсатиш воситаларини йўналтириш и ишлаб чиққан, аҳолининг руҳий қатиятини мустаҳкамлаган. Ижтимоий ғояларни тарқатишда эпистолографиядан кенг фойдаланилди.

Халққа хатлар орқали мурожаат қилиш (антик даврда кенг тарқалаган усул) ўрта асрларда ҳам ўзининг ҳаётийлигини сақлаб қолди. Папанинг мурожаатлари расмий равишда «апостоль ёрлик»лари деб аталар эди. 4 асрдан эса босма равишдаги фатвоси деб юритила бошланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Лихачев Д.С. – Развитие русской литературы X-XII веков. Эпохи и стили. Л., 1973.
2. Гельб И.Е. – Основы изучения письма. М., 1982
3. Wust . La guerre psychologique . Lausanne. 1954.
4. Люблинский В.С. Книга в истории человеческого общества. М., 1972.
5. Тоғаев О. Публицистика жанрлари. Т., 1976.
6. Ученова В.В. Политика и публицистика. М., 1979.
7. Ворошилов В.В. Журналистика. Учебник. С. Петербург. 1999.

Мавзу бўйича саволлар:

- а) Христианлик илгари сурган ғоялар нималардан иборат эди.
- б) Антик дарнинг инқирозга учрашининг сабабини нимада деб биласиз?
- в) Ўрта асрларда қандай маданий қатламлар шакллана бошлаган эди?
- г) Воизлик нотиклик санъатидан қандай хусусиятларидан фаркланади?
- д) Ўрта асрларда қандай оралиқ жанрлар пайдо бўлди?

5-мавзу: Оврўпода кундалик нашрларнинг пайдо бўлиши

Режа :

А) «Газета» сўзининг келиб чиқиши.

Б) Реформация публицистиканинг ўзига хос хусусиятлари.

В)Хабардорлик – иқтисодий ривожланишнинг асосий омили.

1517 йилнинг 31 октябрида Реформация раҳбари Мартин

Лютер ўзининг машҳур 95 тезиси билан чиқди Кейинчалик бу тезис нашр этилиб кўп мартаба чоп этилди. Хуллас реформация черковнинг маънавий ҳукмронлигини енгди. Журналистиканинг бу борада роли ҳам каттадир. В.В.Ученова бу ҳақда шундай деб ёзади: «Реформация йиллари» XVI асрнинг биринчи ўн йилликларида кўпгина одамлар ҳаётини ўзгартириб юборди. Халқнинг “хроника-ашула”ларида, ҳикоя ва варақаларида ўша йиллардаги мудҳиш воқеалар ўз аксини топди. Ва кўп нусхада бир неча бор чоп этилди.

Уйғониш давридаги Германия, Италия, Франция шаҳарларларига (асосан XIV асрда) дунёнинг турли бурчакларидан одамлар оқиб келар, у ерларда қизгин савдо борар, мамлакатларнинг ички ва ташқи фаолиятига доир хабар алмашишлар бўлар эди.

Аслида “газета” сўзи қадимги венеция кумуш тангаси гадзетта“дан келиб чиққан.1609 йили Германияда замонавий газеталарна ўхшаган биринчи ҳафтанома чика бошлади. Мутахассислар бу борада турли шаҳарларни мисол келтиришади. Баъзилари эса бу Страсбург шаҳрида чиқарилган “Реляцион” ва Волфенбютельдаги “Авизо” ҳафтаномадари деб ҳисоблайдилар. Кейинчалик газеталар Аугсбург,Келнь, Гамбург, Берлин каби бошқа шаҳарларда ҳам нашр этила бошлади. Улар асосан немис тилида чиқарилиб “нима, қаерда содир бўлди, хабар, эса қолувчи газета”каби номлар билан нашр этилар эди.

Бир неча йилдан сўнг (1618-1619 й)Амстердамда газеталар пайдо бўла бошлади. Булар: “Курантлар” ва “Тийдинген ют вершейди квартален” деб номланади. 1654 йилга келиб Амстердамда 10 га яқин газеталар нашр этила бошлаган.

Француз тилида биринчи газета 16220 йилда чиқарилган.. У “Куран д Итали Э Альмань”деб аталиб Амстердамда ҳам чиқарилган. Парижнинг ўзида газеталар 1631-32 йилларда чиқарила бошлаган

Инглиз тилида газеталар аввал номсиз чиқарилган. Англиянинг ўзида 1622 йилда “Ньюсбукс”номи билан нашр этила бошлаган.

Швецияда биринчи кундалик нашрлар 1624 йилда “Гермес Готтикус”номи билан пайдо бўлган. Италияда эса газеталар 1639-1646 йилларга келиб чика бошлаган. Улар асосан номсиз бўлган.

У давр газеталарини биз замонавий газеталарга ўхшатсак ҳам аслида китоб варақаларига ўхшар.кўзга кўринадиган қизиқарли сарлавҳа, чизиқлар, босма нақшлар ва расмларсиз қуруқ матн шаклида берилар эди. Улар ҳам ўз қиёфаларига эга эмас эдила рва мазмуни, муаллиф таркиби бўйича бир-бирларидан унчалик фарқланмасдилар. Шунинг учун улар кўпинча номсиз чиқарилар ёки номини тез-тез алмаштириб турар эдилар. Ўша йиллари Осиё мамлакатларида газета куйдирилган саполда қаторлар чоп этишнинг антиқа усули билан нашр этилар эди. 1615 йилда Японияда “Иомури Караван”газетаси шу тахлитда чиқарилган. Германиядаги янги немис санъати, агарда газета чиқарилишини шу ном билан айтсак, тезда бошқа мамлакатга ҳам тарқалди.

Тарихда тез-тез учраб турганидек, матбуотнинг типология нуктаи назаридан олиб қараганда, журналистиканинг ривожланишида ҳам тарихий зид воқеалар бўлган, лекин улар асосан кундалик журналистика амалиётида кўп содир бўлиб турган. Масалан:қиёфасиз,фақат қуруқ далиллардан иборат журналистика ўрнини ёрқин шахсият-руҳиятга бой журналистика эгаллаган ёки улар ёнма-ён ривожланган. Мазкур журналистиканинг иккинчи тури индивидуал публицистика деб ҳам юритилади.

Реформация даврида Германияда чиқарилган воқеалар худди шу қиёфада эди. Шу билан бирга нашрларнинг оралиқ турлари ҳам мавжуд эди. Масалан: 1620 йилда қирол почтасининг

хизматчиси, Майндаги Франкфурт шахри фукароси Иоган Фон Биргден хабарларини қандай қабул этган бўлса, шундайлигича эмас, балки қзининг шарҳи билан нашр этар эди. Шундай қилиб ушбу журналистика тарихда илк бор замонавий тушунчадаги шарҳловчи сифатида танилди.

Немис журналистикасининг тараққийпарвар ғоялари XIX аср бошларида юксак босқичга кўтарилди.

АДАБИЁТЛАР

1. «У истоков Европейской печати». «За рубежом». 1966. №28.
2. Богданов Н.Г. Вяземский Б.А. - Справочник журналиста. Л., 1971.
3. Люблинский В.С. – Книга истории человеческого общества. М., 1972.
4. Ученова В.В. – У истоков публицистика. М., 1989.
5. Материалы к курсу «История мировой журналистики». Тош. 1994.

Мавзу бўйича саволлар:

- а) Уйғониш даврида публицистика тараққиёти ҳақида фикрингиз?
- б) Газета сўзининг луғавий маъноси?
- в) Европада чиққан биринчи газеталарнинг номларини санаб беринг?
- г) Шарқда қачон илк газеталар чиққан?

6- мавзу: XVII- XVIII асрда Европа ва Америка мамлакатларида журналистика.

Режа:

- А) Инглиз буржуа революциясининг журналистика равнақидаги ўрни.
- Б) Америка матбуоти – публицистика тараққиётининг янги босқичи.
- В) Ижодкор ёзувчилар матбуотнинг илк ходимлари.

XVI асрдаги инглиз революцияси даврида бир қатор муаллифларнинг публицистикаси натижасида журналистика кенг халқ оммасининг қуролига айланди. У халқни қиролга қарши жангга чорлаб, ўз инсоний ҳуқуқларини ҳимоя этишга, ҳукумат жабҳаларида кўпроқ халқ вакиллари фаолият кўрсатишлари учун ҳаракат қилишга даъват этди. Шу сабабли XVII асрда Англияда журналистика аҳолининг турли қатламлари орасида мулоқот воситасига айланиб муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этишда улкан аҳамиятга эга бўлди. 1661 йилнинг январ ойида “Меркуриус польски” номли поляк тилида биринчи газета нашр этилди. Тўрт йил ўтқач, Парижда « олимлар журналы» деб аталган биринчи журнал дунё юзини кўрди. Шунингдек 1704 йили Кембриж, Массачусетс колонияларида муваффақият қозонган илк газетаси чоп этила бошлади. 1745 йилга келиб колониялар узра 22 газета чоп этиларди. Нью-Йоркда Иоан Петер Зингер ишининг кўриб чиқилиши матбуот эркинлигига асос солиши борасида муҳим воқеа бўлди. 1733 йилдан бошлаб нашр этилаётган “New York Weekly journal” газетаси ҳукуматга муҳолифат томонидан қарашларини намоён этган. Икки йил нашр этилганидан сўнг, колония ҳукумати Зингернинг заҳарханда пичинглари ортиқ дош беролмай, уни кўзғолонга қорловчи бўхтон тарқатишда айблади ва қамоққа ташлади. Тўққиз ой қузилган суд иши давомида Зингер қамоқдан туриб ўз газетасини таҳрир қилди ва колониялар узра қучли қизиқиш уйғотди. Зингерни ҳимоя қилган Эндро Хамилтон келтирган далилга кўра Зингер нашр этган айбномалар ҳақиқат бўлгани туфайли уларни тўхтатиб бўлмасди. Суд маслаҳатчилари Зингерни айбсиз деб топишди ва у озод этилди. Шунингдек Америка қўшма штатларида зиёрат этганлардан ҳеч ким ўз саёҳатлари ва изланишлари ҳақида француз ёзувчиси ва сиёсий назариячиси Алексис де Токвиль каби батафсил ёзувлар қолдирмаган. Унинг қаламига мансуб «Америкада демократия» асари илк

бор 1835 йили нашр этилган бўлиб, ҳозиргача Американинг ижтимоий ва сиёсий таомиллари борасида энг кескин ва зийрак таҳлил бўлиб қолмоқда. Токвиль Америка Қўшма Штатлари ҳақида танқидий мулоҳаза билдирмаган, бироқ унинг ҳукми анчагина музокарали чиққан. “Бойликнинг тарқалиши мулк тушунчасини жамиятнинг барча аъзоларига сингдиргани каби,” – деб ёзган эди у, - демократик тузум ҳам ночор аҳволдаги фуқаролар онгига сиёсий ҳуқуқий тушунчасини киритди. Шунга қарамай фабрикалар тизимининг ривожини, саноат ишчилари ва янги бизнес оқ суяклари орасида ихтилофлар туғдириши ҳавфини яратган шароитда, мазкур сохта тенглик бир қанча мутафаккирларни юзага келтирди. Америка тажрибасига ишончсизлик билан қараганлардан бири инглиз ёзувчиси Чарльз Диккенс бўлиб у американи илк бор 1841-1842 йилларда зиёрат қилган эди. “Бу- мен кўргани келган Республика эмас... Унинг ёш ва навқиронлиги ҳамда куч – қудрати ҳақида кўпроқ ўйлаганим сари, унинг мингта жиҳатларига қарамасдан, кўз ўнгимда у шу қадар қашшоқ ва ҳеч нарсага арзимас бўлиб гавдаланмоқда. Нимаики кўз-кўз қилиб мақталган бўлса, халққа таълим беришдан ва камбағал болаларни камокка олишдан ўзга барчаси, мен тасаввур этган баландликдан, бениҳоя пастга тушиб кетмоқда” деган эди у.

АДАБИЁТЛАР

- 1) Ученова В. – Публицистика и политика. М., 1979.
- 2) Ученова В. – У истоков публицистики. М., 1989.
- 3) Ворошелов В. – Журналистика. Учебник. С.Петербург. 1999.
- 4) Прохоров В.П. – Введение в журналистику. Учебник. М., 1998.

Мавзу бўйича саволлар:

- а) Европада илк журналлар қачон ва қаерда пайдо бўлган?
- б) Америкада пайдо бўлган илк матбуот нашрлари?

7-мавзу : Англия буржуа революцияси даври журналистикаси

Режа:

- А) Инкилобнинг сиёсий суаммолари
- Б) Памфлет жанрининг публицистика равнақидаги ўрни.
- В) Ж..Мильтон- матбуот эркинлиги тарғиботчиси.

1641 йил Англияда журналистика ривожига кучли таъсир қилаган революция бошланди. Аниқроғи, унинг учун бу муҳитни фаол, жанговор публицистикага мухтож бўлган революциянинг ўзи яратди. Қадимги туркий ва форсий забон мамлакатлар, Греция ва Римда нотиклар ўзларининг жўшқин нутқлари ила ватандошларини курашга чақирганлар. И.В. Трубицинанинг эътироф этишича, инглиз революцияси даврида абсолютизм тарафдорлари ва душманлари ўртасидаги кураш парламент биносидан босма нашрларга кўчирилди. Тез орада улар (сиёсий парламентлар) “памфлетлар урушига” айланди. Ўша даврда памфлетлар журналистиканинг асосий кўринишларидан бири эди. XVII асрда яшаган инглиз ношири Д.Томпсон 1643-1663 йили босилган 15 мингга яқин памфлетларни тўплаган ва қайд этган. Фақатгина 1642 йилда қирол ва парламент ўртасида борган кескин айтишувлар натижасида яратилган 2000 памфлет борлиги қайд этилган. Қирол Карл Стюарт 1 га қарши парламентни ёқлаб қуролланган ишчилар, ҳунармандлар, деҳқонлар кўзғолон кўтардилар.

Асрнинг ўрталарида Англияда Жон Лильберн, Джерард Уинстенли ва Ричард Овертонлар памфлетчи сифатида шуҳрат қозондилар. Халқ орасида айниқса Лильберн сеvimли муаллифга айланди. Унинг фамилияси «Эркин туғилган» деган маънони англатиб, ижодининг руҳиятига ҳамоханг эди. У 1637 йилда кўзғолончиларни ёқлаб ёзган журналистик асарлари учун Қирол томонидан ўлимга маҳкум этилган. Аммо революция уни қутқариб қолди. Ва у эса унинг ёрқин куйчисига айланди. Унинг икки памфлетдан ташкил топган ва “Англиянинг янги занжирлари” деб номланган асари катта шуҳрат қозонди. Ўша давр асарлари ҳақида сўз

юритилганда «Памфлет» ёки «шарх» тушунчалари бугунгига қараганда бошқача маънога эга бўлганлигини унутмаслик лозим. Ўшанда илмий оммавий асарлар, оғзаки ва нутқ ва ҳақозолар памфлет деб аталади. Шундай қилиб Жон Уайлдманнинг «Армия иши» номли памфлети халқ келишуви ҳужжатининг асоси бўлиб қолди. Бу оддий фуқаролар томонидан тайёрланган Англия давлат қурилишининг лойиҳаси эди. XVII аср журналистикасининг мазмунига оид икки нарсга эътиборингизни қаратишни жоиз деб билдик. Юқорида айтганимиздек XVII асрда инглиз журналистикасида памфлетлар жанги оддий тусга кирган эди. Публицистиканинг самарали усули сифатида памфлетни қўллаш XVII аср публицистикасида одат тусига кирди.

Бу даврда Джон Мильтон Англиянинг кўзга кўринган публицист ёзувчиларидан бири эди. Унинг «Йўқотилган авлод» каби фалсафий поэмалари, «Ареопагетика», «Самсон курашчи» трагедияси ва бошқа асарлари машҳурдир. Мильтоннинг ижодида революция катта рол ўйнайди. Мильтон индипендент партияси йўлбошчиларидан бири бўлиб, у кўпроқ ўрта буржуа манфаатларини ҳимоя қилиб чиққан эди. 1644 йилда у ўзининг матбуот эркинлиги ҳақида машҳур нутқини сўзлайди. Публицист шундай дейди, «Инсонга барча имтиёзлардан ҳам кўра эркин фикр юритиш, эркин гапириш ва нарсалар ҳақида ўзининг эътиқоди бўйича эркин фикрлаш имтиёзи керак. Бу ерда тўсиқлар қўйиш, ҳалакит бериш ёки цензура ўрнатиш тубанлик ва пасткашлиқдир. Ҳақиқатнинг парвардигор каби кучли эканлигини ким ҳам билмайди дейсиз». Бундан ташқари Д. Мильтон цензура ҳақида шундай дейди: яхши китобни ўлдириш яхши одамни ўлдириш билан баробардир. Чунки ким одам ўлдирса ақлли мавжудодни ўлдирган бўлади... Лекин ким яхши китобни ўлдирса тафаккурнинг ўзини ўлдирган бўлади».

АДАБИЁТЛАР

1. Английская буржуазная революция в современной зарубежной историографии. М., 1978.
2. Англия в памфлете. Английская публицистическая проза XVII в. М., 1937.
3. Мильтон Д. Арёпагетика. Речь о свободе печати, обращенному к английскому парламенту (1644). Казан. 1905.
4. Трубицина И.В. – Памфлетная публицистика английской буржуазной революции XVII в. Вестник МГУ., сер. 10 Журналистика. 1978 №4.

Мавзу бўйича саволлар:

- А) Англия революцияси қандай сабабларга кўра рўй берди?
- Б) Буржуа революцияси даврида публицистиканинг қандай жанри тараккий топди?
- В) Матбуот эркинлиги ҳақида сўз юритган публицистлар ҳақида Фикрингиз?
- Г) Ж.. Мильтон сўз эркинлиги ҳақида илгари сурган ғоялар нималардан иборат эди?
- Д) Англия буржуа революцияси публицистлари қарашларидаги ўзаро ўхшашликлар ва фарқлар?

8 – мавзу: Рус журналистикаси тарихи. Оврупода озод матбуотнинг уйғониш даври

Режа:

- А) Рус журналистикасининг ўзига хос хусусиятлари.
- Б) «Махсус журнализм»- матбуот таракқиётидаги янги босқич.
- В) Янги журнализмнинг юзага келиши.

Матбуотнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кўпинча «махсус журнализм» даври деб аташади. Одатда. Бунда бир вақтнинг ўзида босмахона хизматчиси ва журналист мансабларини ўзида жамлаган бугунги касбларнинг ўша даврда бир одам томонидан бошқарилиши тушунилади. В.В. Ученова шундай деб ёзади: Таниқли ёзувчи Д.Дефо ҳам шундай касб эгаси бўлган. У қийинчиликлардан кўркмай тўққиз йил давомида ўзининг шахсий босмахонасида

«Ревю» деган вақтли нашрни чоп этган. Мазкур даврда «Россияда П.Сумароков ишчан асарилари» (1759), Н.Новиков «Трутенъ», «Рассом», «Картмон» (1796-1774) каби нашрларни чиқаради. Фикримизча «махсус журнализм» маъносини бошқа тарзда талқин этиш ҳам мумкин. Ўша замон ёки асрда из қолдирган ёрқин публицистик асарларни махсус журнализм деб аташ жоиз бўлса керак.

Журналистика тонгида бундай асарлар кам бўлганлиги боис, уларнинг эълон қилиниши замондошлар учун улкан воқеа бўларди. Газета саҳифаларида эълон қилинаётган хабарлар хиссиз бўлиб, расмий ахборотга ўхшарди. Албатта бундай журналистика оммани ижтимоий ҳаётга тортишда, уларни ижтимоий алоқалар қатнашчисига айлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бирга журналистиканинг дунё миқёсида ижтимоий институтга айланишида XVI-XVII асрлардаги махсуслаштирилган публицистика ҳам катта ёрдам берди. У журналистиканинг янада самарали ва муҳим оммавий ижтимоий институтга айлантирди. Асрнинг бошида, яъни 1702 йил 16 декабрда шоҳ Петр 1 рус газетасини нашр этишга фармон берди. Декабрда газетанинг бир нечта сони чиққан бўлса, 2 январдан бошлаб у мунтазам босила бошланди. Газета аввалига 200 нусхадан чоп этилган бўлсада, кейинчалик унинг нусхаси орта бориб 400 тага етди. Нашр «Москва давлати ва бошқа мамлакатларда содир бўлган ҳарбий ва бошқа ишлар ҳамда арзирли билим ва хотиралар ҳамда маълумот» деб аталган. Нашрнинг илк сонларида босилган маълумотлар ўзининг қисқалиги ва лўндалиги билан замон газеталарида бериладиган телеграф усулида ёзилган хабарлардан кам фарқ қилади. Газета 1728 йилгача мазкур ном билан чиқиб, кейинчалик қисқача «Санкт – Петербург ахборотномаси» деган ном остида нашр қилина бошлади. Тезкор алоқа боғлаш воситалари ҳисобланган телефон-телеграф ва бошқалар яқинда пайдо бўлди. Ўша даврнинг асосий алоқа боғлаш воситалари отлар, каптарлар, чопарлар ва пароходлар эди. Кўпинча бошқа мамлакатлардан олинган хабарлар газетада эълон қилунгунгача анча эскириб қолар, аммо бошқа янгиликлар бўлмаганлиги боис эълон этилаётган хабарлар ўша кун учун маълумот сифатида қабул қилинар эди.

Адабиётлар:

- 1) Запаров А.В. Русская журналистика XVIII века. М., 1964.
- 2) История русская журналистики XVIII – XIX веков. (Березина В.Г., Дементьев А.Г., Есин Б.И., Запорова – М., 1963).
- 3) Есин Б.И. История русской журналистики XIX века. – М., 1989.
- 4) Татаринов Л.Е. История русской литературной журналистики XVIII века. – М., 1982.

Мавзу бўйича саволлар:

- а) Петр 1 фармони билан ташкил этилган газета қачон ва қаерда чиқарилди.
- б) Россияда чиқарилган илк газеталар?
- в) Россия матбуотининг ўзига хос хусусиятлари?
- г) XX аср рус матбуотининг ўзига хос хусусиятлари?

9 – мавзу: Буюк Француз инқилоби журналистикаси.

Режа:

1. Генерал штатлар мажлисининг чақирилиши.
2. Газеталарда сиёсий хабарларнинг берилиши.
3. Инқилоб даври журналистика классификацияси.

1788 йил Франция аҳолиси жуда танг аҳволда қолди. Ишлаб чиқариш муносабатлари ва феодал тузум бағридан униб чиққан янги капиталистик ишлаб чиқариш усули ўртасидаги давомли зиддиятлар ва руҳонийлар билан француз меҳнаткашлари ва буржуазияси ўртасидаги тенгсизликлар, 1787 йилги савдо саноат кризиси, 1788 йилги очарчилик туфайли

кўтарилган деҳқонлар ғалаёни мамлакатда революцион вазиятни вужудга келтирди. Қирол Людовик 16 аҳолидан янги солиқлар тўплаш мақсадида 1789 йил 5-майда Генерал штатлари парламенти мажлисини чақирди. Аҳолининг норозилиги кун сайин кўчайиб борди ва ниҳоят 1789 йил 14 июлга келиб революциянинг биринчи босқичи бошланди, ҳамда бу 1792 йил 10 – августгача давом этди ва Бастилиянинг штурм билан қўлга олиниши француз буржуа революциясининг бошланиши бўлди. Шунингдек, революциянинг давоми 1793- 94 йилларда бўлиб ўтди. Француз буржуа революциясининг мақсади ўз характериға кўра халқ революцияси, буржуа демократик революцияси бўлиб, илгариги буржуа революциясидан, нисбатан қатъий тарзда феодал мустабид тузумға барҳам бериш билан белгиланади.

Буюк француз революцияси 1789-1795 йилларға тўғри келади. Революция даврида жуда кўплаб рисолалар, афиша ва чақириқлар босиб чиқарилган. Халқ номидан ёзилган қўлёзма ва босма мурожаатномалар омма ўртасида кенг тарқалди.

Дин пешвоси Аббат Сиеснинг “Учинчи қатлам нима ўзи?” номли рисоласи катта муваффақият қозонди. 1789 йил 14 июльда халқ “Бастилия” камокхонасини босиб олди. Қирол Людовик 16 нинг “Ахир бу исёнку?” деган саволиға “Йўқ, олампаҳо, бу революция!” деган жавоби кейинчалик қанотли ибораға айланиб кетди.

Газета ва варақалар ахборот тарқатишнинг муҳим воситаси бўлиб қолди. 1614 йилдан бери йиғилмаган штатлар халқ йиғинини чақириш арафасида “Генерал штатлар” деган газета чиқарила бошланди. Газета муҳаррири Мирабони «революция арслони» деб аташарди. Газета жуда катта ададда 12000 нусхада чоп этилган. 1789 йил 26 декабр куни асосий қисми сўз эркинлиги бўлган “Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари Декларацияси” қабул қилинди. Ушбу декларациянинг биринчи моддаси «Инсонлар дунёға тенг бўлиб келадилар ва улар ҳуқуқда ҳам тенгдирлар» деб белгилаб қўйилди.

Жан Поль Марат томонидан нашр қилинган “Халқ дўсти” газетаси инқилобнинг машҳур газеталаридан бириға айланган. Газета 1779 йилнинг сентябр ойидан чиқарила бошланган. Ноширнинг ўзи газетаға мақолалар ёзар, ўзи терар, ўзи босмадан чиқарар ва ўзи таркатар эди. 1790 йил 26 июн куни “Биз енгилдик” деган памфлетни ҳам Париж кўчаларига Маратнинг ўзи ёпиштириб чиққан.

Кўпгина газеталар, варақалар, бир қатор журналлар бу даврда ўз тарафдорлари учун ҳам кураш олиб борганлар. Француз революциясининг «Халқ дўсти» (Ж.Марат), “Конституция химоячиси” (М. Робеспьер), “Пьер Дюшен” (Эбер), “Франция ватанпарварлари” (И.Бриссо) каби газеталари каттагина шухрат қозонди. 1789 йили 5 октябрда Маратнинг газетаси Версалға юриш бошлашға чақирди. Ўша даврда Франциянинг қудратли таъсир кучига эға бўлган.

“Босмахона хизматчилари бирлашмаси” халқни ўз орқасидан эргаштирди ва журналистлар революцияға катта ҳиссаларини қўшдилар. Марат халқ ҳокимияти, Париж комунасининг ташкилотчиси ва раҳбарларидан бириға айланди.

Фаол революцион ҳаракатлари туфайли у 1793 йил 13 июлда сотқинлар томонидан ўлдирилди. Максимилиан Робеспьер 1789 йилнинг май ойи дамида Таъсис мажлисида 60 маротаба сўзға чиқди. Аҳолининг камбағал қатламиға яқин бўлган газета ношири Эбер эса Париж прокурорининг ўринбосари этиб тайинланди.

18 аср охирида франция революцияси ўзининг оммавийлик табиати ва революцион матбуотнинг фаол шакллантирилиши туфайли вужудға келди.

Матбуот черковнинг қаршилигини енгишға, дин пешволарининг таъсирини чегараловчи бир қатор муҳим қонунларни қабул этишға ёрдам берди. Журналистиканинг бевосита таъсири туфайли, 18 аср француз жамияти янада демократлашди. Революция даврида нафақат журналистиканинг сиёсий мазмуни, балки ҳша давр газеталарининг моҳияти ўзгарди. Улар ўз саҳифаларида турли хил эълонлар, табрикномалар, чақириқлар бера бошладилар. Бу газета сҳифаларини реклама эғаллаётганидан далолат берар эди. Францияда журналистика фақатгина сиёсий эмас, балки тижорат корхонаси сифатида ҳам танила бошланди. Журналистика пайдо бўлишидан бошлаб ўзининг тижорат йўналишини йўқотмади. Масалан XVIII асрда Францияда унчалик катта бўлмаган эълон газета сонига нисбатан 2-6 баравар қиммат турар эди.

АДАБИЁТЛАР

1. Карлейль Томас. Французская революция. История. М., 1991.
2. Кропоткин П.В.- Великая французская революция. М., 1983.
3. Ж.П.Марат. – Избранные произведения в 3-х т.М., 1956.
4. Попов Ю.В. – Теофаст Ренедо –основатель французский журналистики. Вестник МГУ сер. 10. 1978 №6.
5. Робеспьер М. – Избранное в 3-х т. М., 1965.
6. Ученова В.В. –Публицистика и политика . М., 1979.

Мавзу бўйича саволлар:

- а) Инқилобни юзага келтирган ижтимоий-сиёсий вазият?
- б) Инқилоб арафасида матбуотнинг ижтимоий- иқтисодий аҳволи қандай эди?
- в) “Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари Декларацияси” қачон қабул қилинган ва унга муносабатингиз?
- г) Инқилоб даври машҳур матбуотчиларидан кимларни биласиз?
- д) Ушбу давр матбуоти бошқа давр матбуотидан ўзининг қандай хусусиятлари билан ажралиб туради?

10-мавзу: XVIII –XIX асрда Ўрта ва яқин шарқ мамлакатларида даврий матбуотнинг ташкил топиши (Эрон матбуоти тарихи мисолида)

Режа:

- А) Ўша даврдаги иқтисодий- ижтимоий-сиёсий вазият.
- Б) Биринчи нашрлар.
- В) Ғарб нашрларининг таъсири.

Эрон каби даври матбуот ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётида бу қадар роль ўйнаган мамлакатлар ер юзида кам топилади. Эрон матбуоти қарийб бир ярим асрлик тарихга эга. У мамлакат тарихи билан, унда ёрқин из қолдирган кишилар билан чамбарчас боғланган. Маърифатпарвар адиб Зийн ул- обидин Мароғам ва эрон зиёлиларининг илғор рўзнамаси «Ахтар», Эроннинг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёти учун толмас курашчи Мелкумхон ва радикал, аксилфеодал «Қонун » рўзнамаси, таниқли қомусчи-олим Мирза Али Акбархон Деххудо ва биринчи эрон инқилоби даври адабий ҳаракатининг жарчиси “Сури Исрофил” ҳафталик жаридаси, таниқли ёзувчи ва публицист Жамол Али Ахмат ва “Моҳнома-йе Мардўм” ойномаси шулар жумласидандир. Совет шарқшунос- эроншунос олими К.Чайкин ўз вақтида таъкидлаганидек. Даврий матбуот форс инқилоби даврининг энг муҳим воқеалиги эди.

Эронда дастлабки рўзнамалар XIX асрнинг биринчи ярмида, Фатҳ Алишоҳ даврида пайдо бўлган. Улар феодал қарахтликдан уйғонган Эрон ўша давр маданияти сари қўйилган дастлабки қадамлар 1951 йилда биринчи дунёвий олий ўқув муассосаси – дорулфунуннинг очилиши, мамлакатда почта ва телеграф алоқаларининг йўлга қўйилиши, босмахона усулида китоб чоп этилиши акс этган. Рўзнамалар ҳозир кулгили кўринадиган ўша даврнинг талабларига ёритилган. Жумладан, шоҳ ҳарами ожизаларига даврдан ортда қолмаслик учун Европа классик балети раққосаларининг либосларига ўхшаш кийим-кечакларни кийиб юриш тавсия қилинган.

XIX асрнинг охирига келиб, мамлакат аҳолисининг сиёсий фаоллиги ўсиши муносабати билан Эронда оммавий ахборот воситалари гуркираб ривожлана бошлади. 1905-1911 йилларда биринчи Эрон инқилоби йиллари у ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди. Ўша вақтда мамлакатда чоп этилаётган нашрлар сони 200 тага етди. «Сури Исрофил», “Эроне нав”, “Ноҳид”, “Чайтае Побарахне”, “Насиме Шимол”, “Баҳлул” ва бошқа нашрлар даврнинг энг

оммавий нашрлари эди. 1907 йил 30 майда Техронда чиқа бошлаган “Сури Исрофил” жаридаси ўша йилларда айниқса катта муваффақиятга эришди. Жарида Эрон халқининг жарчиси сифатида мажлис ноибларининг фаолиятсизлигини танқид қилар, маъмурларнинг зўравонлигини, шоҳ тизимининг халққа зид моҳиятини фош этарди. Унинг тиражи эса вақтлар учун мислсиз даража – 5,5 минг нусхага етди. Эрон инқилобининг мағлубияти кўпгина жаридалар ва рўзномаларнинг ёпилишига олиб келди.

Эрон даврий матбуоти гуркираб ривожланган янги босқич иккинчи жаҳон уруши йилларида демакратик ҳаракатнинг кучайиши билан боғлиқ.. Мамлакат статистикаси қуйидаги рақамларни келтиради: Техронда 103 та рўзнома ва 29 та жарида, Исфаҳонда 11 та рўзнома, Шерозда 9 та , Табризда 4 та рўзнома чиқиб турган. Кам сонли миллат тилида - озарбойжон, форс, арман, ошурий тилларида чоп этилувчи матбуот маълум даражада ривожланди. Илғор Эрон матбуоти Озодлик фронти доирасида бирлашган эди.

1953 йилда давлат тўнтариши юз бериб, шоҳ Ризо Паҳлавий Эронга қайтганидан кейин матбуотга доир каттиқ қонунлар жорий этди. Бу қонунлар 1979 йилнинг февраль инқилобига қадар амал қилди. Рўзнома- ноширлик фаолияти билан боғлиқ юмушлар ички ишлар вазирлигига топширилди. Вақт ўтиши билан марказий нашрларнинг энг кам тиражи рўзномалар учун – 3 минг нусха, жаридалар учун 5 минг нусха қилиб белгиланди.

Инқилоб арафасида Эронда 200 дан зиёдроқ даврий нашрлар, шу жумладан 111 рўзнома ва 82 жарида чоп этиларди. Уларнинг аксарияти мамлакат пойтахти Техронда чиқарди. Вилоятларда чиқадиган нашрлар сони бир хил эмасди. Масалан Хуросонда 15 нашр чоп этилса, Муристонда биттагина рўзнома чиқарди. Матбуотнинг талайгина қисми Ғарбий Европа тилларида (инглиз тилида – 10, француз тилида 2 та, немис тилида – 1та, арман тилида -1 та) чоп этиларди.

АДАБИЁТЛАР

- 1) Месамед В.И. – Эрон матбуоти. “Ўзбекистон матбуоти”. 1992 № 7-8.
- 2) Пресса, радиовещание и телевидение Ирана. Современный Иран. Справочник. М., 1975.
- 3) Зарубежная печать. Печать стран арабского Востока. Африки и Латинской Америки. Ученое пособие. Вип. 2. М., 1975.
- 4) Н.Г. Богданов, Б.А. Вяземский. Справочник журналиста. Ленинград. 1971.

Мавзу бўйича саволлар:

- А) Шу даврдаги ўрта ва яқин шарқ мамлакатларида иктисодий- ижтимоий-сиёсий вазият?
- Б) Мазкур даврда чиқарилган биринчи нашрлар ва уларнинг сифат даражаси ҳақида?
- В) Эрон матбуотининг пайдо бўлишига улкан хисса қўшган публицистлар?
- Г) Иккинчи жаҳон урушидан кейинги эрон матбуоти?

11 мавзу: XX аср бошида хорижий журналистика тарққиёти

Режа:

- А) «Янги журнализм» асрининг бошланиши.

- Б) Матбуот ва реклама.
- В) “Сарик матбуот” ва унинг ОАВ таракқиётидаги роли.

Шимолий Америка тарихида биринчи газеталар Бостонда мустамлакачилик даврида пайдо бўлган эди: «Паблик оккаранзис» (“Бостон хабарлари”) 1704 йилларида нашр эттирилган. Ушбу шаҳарда 1748-1750 йилларда «Индепендент Адвертайзер» (“Мустақил газета эълонлари билан”) газета чиқа бошлаган, унинг асосчиси Сэмюэл Адамс эса тарихга “биринчи Америка революцияси тарғиботчиси” сифатида қолди. Революция даврида Б.Франклин ва Т.Пейн нашрлари ҳам етакчилик қилишди. Биринчи кундалик нашрлар 1783 йилда Филадельфияда чиқа бошлади.

Америка мустақиллик декларациясини (1776) эълон қилганидан кейин матбуот соҳасида улкан ўзгаришлар руй бера бошлади. 1791 йилда АҚШ Конституциясига биринчи ўзгартириш киритилди ва у қуйидагича жаранглаган эди: “Конгресс сўз ва матбуот эркинлигини чеклайдиган қонунлар қабул қилишга ҳаққи йўқ”. Ушбу асосий тамойилга Америка жамияти нафақат изчил амал қилиб келмоқда, балки мана шу 200 йилдан ортиқ давр ичида Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Билль қонуни журналистик ахлоқнинг бош йўналишига айланди. Америка журналистикаси пайдо бўлган кунидан бошлаб ҳукуматдан мустақил ҳолда фаолият юритишга ҳаракат қилиб келмоқда. Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Биллда ОАВ ва Ҳукумат баъзи ҳолатларда ҳамкорлик қилмаслиги керак деб ёзилмаган. Лекин АҚШ Конституцияси асосчиларининг фикри бўйича матбуот ва ҳукумат бир вазифани бажарувчи ҳамкор институт бўлмаслиги керак. Улар табиий ҳолда бир-бирига қарама-қарши қуйилган ва вазифалари ҳар хил бўлган турли ижтимоий институтлардир ҳамда улар бир-бирларини ҳурмат қилишлари зарур. Эркин матбуот фақат ўз газетхонлари олдида масъулдир.

1830 – 1840 йилларда АҚШ журналистикасига тижорат кириб кела бошлади: кундалик нашрларнинг асосий тури сифатида пенсли ва центларга сотиладиган газеталар чиқара бошладилар. Иккинчи Америка революцияси (1861-1865) бошланган даврда матбуот кулликни йўқ қилишга муҳим роль ўйнади. Мана шу даврнинг ўзмида ОАВ жабҳасида улкан техник ўзгаришлар ҳам руй бера бошлади: ротацион босма машинаси (1847), Линотип (1886), телеграф (1837), телефон (1886) ва бошқалар.

Америка журналистика таракқиёти иқтидорли репортёрлар, муҳаррирлар, ноширлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Джеймс Гардон Беннет (1795 – 1872) – оммавий ахборот воситаларидан бири, бульвар матбуот ривожига туртки берганлардан бири. “Нью – Йорк геральд” (“Нью-Йорк хабарлари”) газетаси ношири, у ўз ходимларидан “инсон қизиқишлари ва эҳтирослари” (жиноят, ходисалар, жанжаллар, оилавий можаролар) ҳақида ёзишни талаб этар эди. “Нью-Йорк геральд” газетасининг собиқ ходими Гораций Грили Беннет журналистикасини инкор этар эди. 1841 йилда “Нью-Йорк Трибюн” газетасига асос солиб, у биринчи ўринга маърифат, ахлоқ, динни қўйди.

Джозеф Пулицер (1847-1931). 1883 йилда у “Нью-Йорк уорлд” газетасини сотиб олиб, уни “Янги журнализм”нинг модели сифатида дунёга танитди. Барча материалларни «Инсоний репортажлар» ва ходисаларни ҳаққоний ёритиш асосига қурди. Соддалаштирилган инглиз тили, расм ва сатирик суратлар, газета шов-шувлари, буларнинг барчаси газетхонлар аудиториясини кенгайтиришга йўналтирилган эди. Бу ерда асосан инглиз тилини ёмон биладиган имигрантларни жалб этиш асосий мақсад эди. Бир йилнинг ўзида нашр тиражини 15 мингдан 100 минг нусага, уч йил давомида эса 25 млн нусага кўпайтиришга эришди. У хусусан «изчил репортажлар»га эътиборини қаратди, Панама канали қурилишидаги коррупцияни дадиллик билан фош этди, газета саҳифаларида янгиликларни усталик билан драматик ҳолда беришга ҳаракат қилди, биринчи бетларни безаш, фавкулудда сарлавҳалар қилиш, рангли тасвирлар ва сатирик суратлар илк маротаба қўлланила бошланди. 1889 йилдан бошлаб “қўнғил хушловчи саҳифаларда” биринчи маротаба “Сарик бола” лақаби остида қаҳрамоннинг кулгили саргузаштлари чиқарила бошлади. У ўзининг кулгили ташқи кўриниши, ғалати хатти-ҳаракатлари ва қилиқлари билан газетхонлар кўнглини овлар эди. Пулицер томонидан

киритилган ушбу янгилик кейинчалик «Сариқ матбуот» назариясига асос солди. Америка журналистика тарихига иккинчи шахс бўлиб Уилям Рендольф Херст кирди. У 1896 йилда “Нью – Йорк джорнел энд Адвертайзер” газетасини сотиб олиш билан ўз фаолиятини бошлади. Херст номи америка матбуотининг кўпгина салбий томонларини ўзида акс эттирган. Чунки у газета тиражини ошириш учун ҳар қандай воситалардан қайтмаган. Херстнинг 1923 йилдаги даромади 12 млн доллар, икки йилдан сўнг 19 млн, 1930 йилда Херст 6 та газетадан иборат хиссадорлик жамиятининг даромади 150 млн долларни ташкил этган.

АДАБИЁТЛАР

1. Журналистика в буржуазном обществе (под ред Я.Н.Засурского). М., 1976.
2. Буржуазнўе теории журналистики (под ред. Я.Н.Засурского). М., 1980.
3. Зарубежная печать, информационнўе агенства. М.,1989.
4. БЛЭК С. Паблик Рилейшнз. Что это такое. М., 1980.
5. Ворошилов В. Журналистика. Учебник. С.Петербург. 1999.

Мавзу бўйича саволлар:

- а) Шимолий Америкада чиқарилган илк газеталар?
- б) ОАВ жабўасидаги техник ўзгаришларнинг матбуотга таъсири?
- в) Америка қонунчилигида матбуот ҳақида қандай муносабатлар билдирилган?
- г) Американинг мустақилликка эришишида публицистларнинг ўрни ва роли ҳақида?
- д) “Сариқ матбуот” асосчиси ва у илгари сурган ғоялар нималардан иборат эди?
- и) “Янги журнализм” нинг ўзмга хос хусусиятлари нималардан иборат.